

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизмати учун Зарарли чигиркаларга қарши курашишда фойдаланиладиган микро хажмда пуркаш махсус аппаратларини етказиб бериш ва қўллашда фойдаланиш бўйича ўқув ҳамда амалий тадбирларни ўтказиш

Тошкент – 2022 йил

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани “Бобур” 1-тор кўчаси, 17-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг Чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизмати учун Зарарли чигиркаларга қарши курашишда фойдаланиладиган микро ҳажмда пуркаш махсус аппаратларини харид қилиш.

Буюрмачи: Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги.

Харид комиссиясининг аъзолари:

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи



Ж.Салихов

Бухгалтерия бошқармаси бошлиғи в.в.б



Д.Нуридинов

Ишлар бошқармаси бошлиғи




Б.Хашимов

Юридик бўлим бош юрисконсулти




У.Абдурахимов

Чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш бошқармаси бошлиғи



Б.Худойкулов

Инновацион фаолият ва рақамли технологияларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи



М.Кодири

(таълов ташкилотчиси, овоз бериш ҳуқуқсиз)

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчиси учун йўриқнома.

II. Танловнинг техник қисми.

III. Танловнинг нархига оид қисми.

IV. Шартнома лойиҳаси.

I. ТАНЛОВ ИШЧИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Танлов предмети:

(Техник топшириқ бўйича) Тошкент шаҳар, “Бобур” 1-берк кўчаси, 17-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг Чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизмати учун Зарарли чигиркаларга қарши курашишда фойдаланиладиган микро ҳажмда пуркаш махсус аппаратларини етказиб бериш ва қўллашдан фойдаланиш бўйича ўқув ҳамда амалий тадбирларни ўтказиш.

2. Танловнинг охирги қиймати, товарларнинг суммаси ва таснифи танлов ҳужжатларининг нарх қисмида кўрсатилган. Танлов таклифида кўрсатилган нархлар охирги қийматдан юқори бўлмаслиги керак. Етказиб бериш ва қўллашдан фойдаланиш бўйича ўқув ҳамда амалий тадбирларни ўтказиш техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.

3. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

4. Етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 45 иш куни.

Харид комиссияси йиғилиши шакли – сиртдан (электрон шаклда).

II. Танлов ташкилотчилари

4. Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги танлов буюртмачиси (кейинги ўринларда – Буюртмачи) ҳисобланади.

Буюртмачининг манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, “Бобур” 1-берк кўчаси 17-уй.

Танловларни ташкил этиш бўйича масъул шахс – Махмуд Қодир, тел.: +99871 202 82 82 email: info@karantin.uz

5. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг Харид комиссияси ишчи орган (кейинги ўринларда – Ишчи орган) ҳисобланади.

6. Танлов Буюртмачи ташкил қилган, камида 5 (беш) кишидан иборат таркибдаги Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

III. Танлов иштирокчилари

7. Танловда резидентлар ва норезидентлар иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикасининг (ушбу танлов ҳужжатларининг 9-бандида келтирилган шахслар бундан мустасно) қонунчилиги ёки уларни аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, ушбу ҳужжат томонидан ўрнатилган шартларни бажариш жараёнида Ўзбекистонга Чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизмати учун Зарарли чигиркаларга қарши курашишда фойдаланиладиган микро ҳажмда пуркаш махсус аппаратларини етказиб бериш ва қўллашдан фойдаланиш бўйича ўқув ҳамда амалий

тадбирларни ўтказиш учун танловда иштирок этишни тақиқланмайди.

IV. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш

8. Танловда иштирок этиш учун, танлов иштирокчиси қўйидагиларни амалга ошириши мумкин ва 1 иловага мувофиқ ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда махсус ахборот порталида электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

- танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш (кўчириш);

- танлов ҳужжатлар шартларига мувофиқ танлов ҳужжатларини топшириш.

9. Қўйидаги иштирокчиларнинг танловда қатнашишига **йўл қўйилмайди**:

қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик босқичини бошидан кечираётган; “Буюртмачи” билан судда ёки ҳакамлик судда тортишаётган;

инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги мавжуд;

имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва/ёки молиявий амалиётларни ўтказишда маълумотларни ошкор қилиш ва беришни кўзда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор зоналар) рўйхатдан ўтган ҳамда банк ҳисобрақамларига эга бўлган.

10. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш таомилида **иштирок этишдан четлаштиради**:

иштирокчи тўғридан-тўғри ёки воситали тарзда Буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг ҳозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки бирон-бир танлов таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар қандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;

иштирокчи адолатсиз танлов устунлигига эга бўлса ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.

V. Танлов тили, ўлчов бирликлари

11. Иштирокчи ва Буюртмачи ўртасида олиб бориладиган танлов таклифига оид тегишли барча ёзишмалар (ҳужжатлар) давлат тилида бўлиши шарт. Агар лозим бўлса, танлов таклифи бошқа тилда бўлиши мумкин. Танлов таклифи матнида номувофиқликлар мавжуд бўлса, бир неча тиллардан фойдаланилганда давлат тили устувор ҳисобланади. Техник ҳужжатларни инглиз тилида тақдим этишга рухсат берилади. Танлов таклифида умумий қабул қилинган ўлчов тизимидан фойдаланиш керак.

VI. Танлов таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби

12. Электрон танлов ўтказишда иштирокчилар танлов таклифларини электрон танлов эълонида белгиланган муддатдан кечиктирмай ўз шахсий кабинети орқали электрон шаклда тақдим этадилар.

*Ҳар бир жойлаштирилган электрон ҳужжат иштирокчининг имзоси билан тасдиқланади.

*Таклиф билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл шаклида жойлаштиришлари мумкин.

Шунингдек, Буюртмачининг юқоридаги манзилига кўрсатилган техник параметрларга мувофиқ бир дона Чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизмати учун Зарарли чигиркаларга қарши курашишда фойдаланиладиган микро ҳажмда пуркаш махсус аппаратларини етказиб бериш ва қўллашдан фойдаланиш бўйича ўқув ҳамда амалий тадбирларни ўтказиш намунасини тақдим этиш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, иштирокчиларнинг таклифлари электрон тизимдаги намуналарга мувофиқ ҳужжатларни илова қилиш орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан тақдим этилган маълумотлар илова қилинган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.

13. Электрон танлов иштирокчиси:

ҳар бир лот учун фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ҳамда ишончилиги учун жавобгардир;

таклифларни тақдим этиш муддати тугагунига қадар тақдим этилган таклифни қайтариб олиш ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

Электрон тизим томонидан таклифларни қабул қилиш эълон қилинган эълонда кўрсатилган муддат ва вақт бошланиши билан тугатилади.

Иштирокчилар танлов таклифининг амал қилиш муддати танлов таклифларини тақдим этиш муддати тугаган кундан бошлаб камида **90 кун** бўлиши керак.

VII. Танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш

14. Зарур ҳолларда Буюртмачи танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида қарор таклифларни тақдим қилиш муддати тугашидан 1 (бир) иш кунидан кечиктирмай қабул қилинади.

Танлов таклифларига ўзгартиришлар киритиш жараёнида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ёки уларнинг тавсифлари ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

Таклифларни бериш муддати тугаган пайтда танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилганда, танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан бошлаб, камида 3 (уч) иш кунига узайтирилади.

VIII. Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликка риоя қилиш

15. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган махфийликка риоя қилиш учун жавобгарлик қўйидагиларга юклатилади:

–Ишчи орган аъзолари бўлган шахслар, харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс, келиб тушган танлов таклифларнинг ҳисобини юритадиган ҳамда уларнинг сақланиши ва махфийлигини таъминлайдиган масъул шахс;

ахборотни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан тил бириктириш ҳамда бошқа қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатларга доир сараланган таклифларни ўрганиш учун тузилган комиссия раиси ва аъзолари;

шартнома бўйича мажбуриятларни (миқдор ва сифат кўрсаткичларида) бажармаган

танлов ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда тузилган шартномага мувофиқ жавобгар бўлади.

IX. Бошқа шартлар

16. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Хизматни ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов ҳақида тушунтиришлар олиш учун Ишчи органга мурожаат қилишга ҳақли. Танлов иштирокчиси Буюртмачига танлов ўтказилиши ҳақидаги эълонда келтирилган шаклдаги танлов ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар бериш ҳақида сўров юбориш ҳуқуқига эга. Ушбу сўров Буюртмачига таклифлар берилиши яқунланиши санасидан камида 2 (икки) кун аввал келиб тушган тақдирда Буюртмачи кўрсатилган сўров келиб тушган санадан бошлаб 2 (икки) иш куни давомида белгиланган шаклда танлов ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар юборишга мажбур. Танлов ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар унинг мазмунига зид бўлмаслиги керак.

Таклифларни (2-иловага мувофиқ) кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

Қўйидаги ҳолларда танлов комиссияси танловни **бўлиб ўтмаган** деб эълон қилиши мумкин:

танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган тақдирда; таклифларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича Харид комиссияси барча таклифларни танлов ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги туфайли рад этган бўлса; ғолиб чиққан таклиф акцептигача Буюртмачи исталган пайтда танловни бекор қилиши мумкин.

Танлов бекор қилинган тақдирда Буюртмачи махсус ахборот порталида бундай қарорнинг асосли сабабларини чоп этади.

X. Шартнома тузилиши

17. Танлов ҳужжатлари ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган Танлов иштирокчиси ғолиб ҳисобланади.

Танлов натижаларга кўра, шартнома у билан шартнома тузилаётган танлов буюртмачиси томонидан тақдим қилинаётган танлов ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган шартларда тузилади.

Агар ғолиб шартнома тузишдан бош тортса, омонат суммаси унга қайтарилмайди. Бундай ҳолда, агар захира ғолиби аниқланса, шартнома тузиш ва унинг мажбуриятларини бажариш ҳуқуқи захира ғолибига ўтади. Бунда захира ғолиби билан ғолиб таклиф қилган нархда шартнома тузилади (захира ғолиби таклиф қилган нарх ғолиб таклиф қилган

нардан паст бўлган ҳоллар бундан мустасно) ёки у шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

XI Низоларни ҳал этиш тартиби

18. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

19. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ юридик «Буюртмачи» жойлашган ҳудуддаги суд органларида кўриб чиқилади.

20. Шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**Танлов ҳужжатларига
1-Илова**

**Тақдим қилинадиган ҳужжатлар
РУЙХАТИ**

1. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумот.
2. Ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси.
3. Иштирокчининг ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкрот бўлиши, мижоз билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бўлмаганлиги, шунингдек, илгари тузилган шартномалар бўйича нотўғри бажарилган мажбуриятларнинг йўқлиги тўғрисидаги кафолат хати (ташкилот расмий бланкида).
4. Ташкилот муҳри билан тасдиқланган, коррупциянинг олдини олиш тўғрисидаги ариза.
5. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома.

Тақлифлар энг паст нарх усули билан баҳоланади

Техник топшириққа мувофиқ

НАРХ ҚИСМИ

1	Охири қиймати	ҚҚС билан бир донасининг нархи 244 500 000 сўм.
2	Миқдори	5 дона махсус пуракагич
3	Молиялаштириш манбаси	Бюджет маблағлари ҳисобидан.
4	Тўлов шартлари	Шартнома имзоланган пайтдан бошлаб ҳисоб рақамидан маблағ ўтказиш йўли билан шартноманинг умумий суммасининг 30% миқдорида олдиндан тўлов, етказиб бериш тўғрисидаги ҳисоб-фактура топширилгандан кейин 70% миқдорида тўлов.
5	Тўлов валютаси	Ўзбекистон Республикаси сўми.
6	Ишларни бажариш (хизмат кўрсатиш) муддати	Шартнома имзоланган кундан бошлаб 45 иш куни ичида.
7	Пуракагичнинг жўнатиш жойи	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, “Бобур” 1-берк кўчаси 17-уй.
8	Танлов тақлифнинг амал қилиш муддати	Тақдим этилган кундан бошлаб 90 кун.

Танлов ҳужжатларига
2-илова

Таклифларни техник ва нархлар бўйича баҳолаш.

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан кўрсатилган муддатда иштирокчилардан электрон шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жиҳатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электрон шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш ўтказилгандан сўнг қуйидаги мезонларга асосан нархлар бўйича баҳоланади.

№	Мезонлар номи, мазмуни	Энг юқори балл	Фоиз ҳисобида
1	Таклифни техник топшириққа мувофиқлиги юзасидан маълумот	30	80 %
2	Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома	5	
3	Етказиб бериш муддатлари қисқа муддатда бажариш	15	
4	Етказиб берилган махсус пуракагичлардан фойдаланиш бўйича тегишли ўқув машғулотларини ташкил қилиш бўйича	20	
5	Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи	10	
6	Ишларни бажариш бўйича берилган нархлар таклифи.		20 %